

Ислоннинг бошқа динлардан фарқи нимада?



19:46 / 22.05.2017 5081

Ислоннинг баъзи ўзига хос ва фарқланувчи тарафлари бор:

1. Ислон қиёматга қадар икки мустаҳкам асосга таянади. Биринчи асос – Қуръон; Аллоҳ томонидан Муҳаммад алайҳиссалоту вассаломга нозил қилинган муқаддас Китоб. Араб тилида ўқилиши ҳам ибодат, ҳатто энг кичик сураси ҳам мўъжиза бўлиб, авлоддан авлодга силсила тариқасида бизгача етиб келган. (Араб тилида бундай ривоятлар мутавотир дейилади, яъни Қуръон ёки ҳадиснинг матнлари умуман ёлғондан йироқ бўлган бир гуруҳ ровийлар томонидан худди шундай бошқа ровийларга етказилган манбага айтилади.) Мазкур Китобда Муҳаммад алайҳиссалоту вассалом ва у зот тўғрисида **«(Улар) ўз ҳузурларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолида топиладиган, уларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадиган, уларга покиза нарсаларни ҳалол қилиб, нопок**

нарсаларни ҳаром қиладиган, устиларидаги юкни енгиллатиб, кишанларни ечадиган уммий Набий, Расулга эргашурлар» (*Аъроф сураси, 157-оят*) дейилган. Бу Китоб ҳеч қандай ўзгаришсиз, Аллоҳнинг меҳрибонлиги ва ҳимоясида ўзининг аввалги ҳоли бўйича келмоқда. Қуръоннинг қайси тилга қилинган таржимасидан қатъий назар, у маънолар таржимаси дейилиб, қанчалик тўғри таржима бўлмасин, у Қуръон деб айтилмайди.

Иккинчи асос – Расул алайҳиссалоту вассаломнинг суннатларидир. Суннат ҳам Қуръон билан бир қаторда Ислом ақидасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ишончли суннат Расул алайҳиссалоту вассаломнинг қилган ишлари, буюрган ва маъқуллаган гаплари бўлиб, суннатнинг ўрни қандайлигини Қуръон оятлари ҳам тасдиқлайди. Масалан:

«Ким Расулга итоат қилса, Аллоҳга итоат қилган бўлур. Ким юз ўғирса, сени уларга қўриқчи қилиб юборганимиз йўқ» (*Нисо сураси, 80-оят*);

«Расул сизга нимани берса, ўшани олинглар ва нимадан қайтарса, ўшандан қайтинглар. Аллоҳдан қўрқинглар. Албатта, Аллоҳ азоби зўр Зотдир» (*Ҳашр сураси, 7-оят*).

2. Соғлом ақл ва ҳур фикрлилик.

Ислом қадимий урфлар, анъаналарга кўр-кўрона тақлид қилишдан инсон ақлини халос қилди. Башариятга атрофдаги оламга эътибор беришни буюрди. Аллоҳ аввалги ўтган халқларга қандай муносабатда бўлганига, жамият ривожланиш қоидаларига эътибор қаратишимизга буюрди. Шу билан бирга Ислом рад этиб бўлмас далилларга асосланган мустаҳкам ақида асосларини ҳам тақдим этди.

3. Руҳ ва моддалараро уйғунлик.

Инсон – Аллоҳнинг бу дунёдаги унга бўйсундириб қўйган неъматларидан истеъмол қилувчи жисмдир. Аллоҳ кўрсатган ва ваҳий орқали юборган Тўғри йўл эса инсонга руҳий озуқа бўлиб хизмат қилади.

4. Борлиқ ила бирлик ва уйғунлик.

Бундай бирлик Аллоҳнинг қудратига белгилардан биридир. Борлиқ ва унинг зарраларида яқин боғлиқлик мавжуд. Қуръон борлиқдаги кўплаб жисмларни тасвирлайди, инсон яралишини босқичма-босқич, жинларни,

осмонларни ва ерни таърифлайди. Бу дунё ва охират дунёси ҳақиқатини очиб беради.

5. Ислоннинг серқирралиги - инсоннинг ҳаёти давомидаги кундалик эҳтиёжларига жавоб берувчанлиги.

Ислон – замон ва маконлардан қатъий назар, инсон эҳтиёжларини ҳисобга олиб жавоб берувчи диндир. У одамга халқаро муносабатлар сиёсатидан тортиб, жанг олиб бориш, сулҳ тузиш битимларини, инсонлараро муносабатларни яхшилашни, беморлардан хабар олишни, йўлларни ҳар хил нарсалардан халос этиш иймон шўъбаларидан бири эканини эълон қилган диндир. Яъники, Ислон ҳаётнинг ҳам оламшумул, ҳам кичик жабҳаларини ўз ичига олади. Шу ўринда Расул алайҳиссалоту вассаломнинг Ислоннинг тимсолларидан бўлган ҳадисларини келтириш мумкин: «Батаҳқиқ, Аллоҳ барча нарсага (нисбатан) раҳмини белгилади».

Ислон бошқа динлардан қуйидаги ҳолатлар билан фарқланади:

1. Аллоҳнинг дини инсон манфаатлари билан чамбарчас боғлиқдир. Қаерда инсонга фойдали ва манфаатли бўлса, ўша ерда Аллоҳнинг дини намоён бўлади. Чунки Ислон ҳалол – фойдали ва ёқимли, ҳаром – нопок ҳамда зарарли нарсалар билан боғлиқдир.
2. Қийинчиликларни бартараф этиш ва енгилликка интилиш бор. Биз буни кўплаб оятларда кўришимиз мумкин. Шунга асосан динимизда енгиллаштириш буюрилган ва қийинлаштириш ман этилган.
3. Ислон – охир-оқибат инсоннинг ахлоқи ақида тамойиллари билан ҳамоҳанг бўлиши ва қадр-қиммати, олийжаноб мақсадлари билан ажралиб туриши учун диннинг асосий тамойилларини инсон қалбига мужассам этишга катта аҳамият беради.
4. Ислонда монахлик йўқ ва дин бир киши томонидан монополиялаштирилмайди, бошқарилмайди. Аксинча, уммат аҳволини соғлом тарзда баҳоловчи етарли билимга эга бўлган фақиҳ олимлар бордир. Қуръоннинг Тавба сураси 122-оятда Аллоҳ шундай марҳамат қилади:

«Мўминларнинг ҳаммалари қўзғалишлари лозим эмас. Ҳар жамоадан бир нафар тоифа бўлсайди, динни чуқур англаб, қайтиб келган вақтларида қавмларини огоҳлантирардилар. Шоядки, улар ҳазир бўлсалар».

